

САИДОВ Сарвар Атабулло ўғли

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази

Илмий тадқиқот бўлими бошлиғи,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: sarvarsaid@bk.ru

АДАБ ИЛМИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ПО НАУКЕ АДАБА

AN IMPORTANT SOURCE ON THE SCIENCE OF ADAB

Аннотация. Ушбу мақолада машҳур аллома Абдуллоҳ ибн ал-Мукаффанинг “ал-Адаб ас-сағир” асари адаб илмининг муҳим манбаларидан бири сифатида таҳлил қилинади. Асарда ахлоқ, давлат бошқаруви, дўстлик, илм каби мавзулар ёритилган. Мақолада ушбу асарнинг таркибий тузилиши, асосий ғоялари илмий жиҳатдан кўриб чиқилади. Шунингдек, “ал-Адаб ас-сағир”нинг мусулмон жамиятларидаги ахлоқий тарбия ва сиёсий тафаккурга таъсири ҳам баҳоланади.

Калит сўзлар: Адаб илми, ал-Адаб ас-сағир, Ибн ал-Мукаффа, ахлоқ, сиёсий тафаккур, таржима.

Аннотация. В данной статье анализируется труд известного ученого Абдуллы ибн аль-Мукаффы «аль-Адаб ас-Сагир» как один из важнейших источников по науке адаба. В произведении рассматриваются такие темы, как нравственность, государственное управление, дружба, знания и просвещение. В статье научно изучаются структура и основные идеи этого сочинения. Также оценивается влияние «аль-Адаб ас-Сагир» на нравственное воспитание и политическое мышление в мусульманских обществах.

Ключевые слова: Наука адаба, аль-Адаб ас-сағир, Ибн аль-Мукаффа, нравственность, политическое мышление, перевод.

Abstract. This article analyzes the work *al-Adab as-saghir* by the renowned scholar Abdullah ibn al-Muqaffa as one of the key sources in the field of Adab. The book explores themes such as morality, governance, friendship, and knowledge. The article scientifically examines the structural composition and core ideas of the work. It also assesses the impact of *al-Adab as-saghir* on ethical education and political thought in Muslim societies.

Keywords: Science of Adab, *al-Adab as-saghir*, Ibn al-Muqaffa, morality, political thought, translation.

КИРИШ

Ислом тарихида адаб илми ўзига хос аҳамиятга эга бўлган илмлардан бири ҳисобланади. VIII асрда яшаган мутафаккир Абдуллоҳ ибн Мукаффа ўзининг бир қатор асарлари орқали ушбу илмнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган алломалардан биридир. Унинг “ал-Адаб ал-кабир”, “ал-Адаб ас-сағир” каби асарлари адаб илмига оид ислом тарихидаги илк асарлардан эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

“Ал-Адаб ас-сағир” кичик ҳажмли бўлса ҳам, ажойиб ҳикматлар, гўзал панд-насихатларни ўз ичига олган китобдир. Китобда оқил инсон, султон ва волий риоя қилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар, ҳукмдор хизматига кирмоқчи бўлганлар амал қилиши лозим бўлган вазифалар, илм, одоб, ахлоқ, дўстлик ва баҳамжиҳатликнинг фойдалари, баъзи ёмон иллатларнинг салбий жиҳатларига оид ҳикматлар ёритилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ибн ан-Надимнинг келтиришича, Ибн Мукаффа ушбу китобни форс китобларидан таржима қилган. Аммо Ибн Мукаффа “ал-Адаб ас-сағир” асарининг муқаддимасида китобнинг ёзилиш сабабини шундай тушунтиради: “Мен ушбу китобимда ўтган аждодлардан сўзма-сўз сакланиб қолган, қалбларни жонлантиришга ёрдам берувчи, уларни жилолантирувчи, доноликка улуғворлик бахш этувчи, тафаккурга жон ато қилувчи, эзгу ғоялар яратилишини рағбатлантирувчи ҳикматли сўзларни ёритдим, иншоАллоҳ!” [7:92].

Мутафаккир ушбу китобини шундай ҳикмат билан бошлайди: Ҳар бир мавжудотнинг ўз эҳтиёжи бор ва ҳар бир эҳтиёжнинг ўз мақсади, ҳар бир мақсаднинг унга ўз эришиш йўли бор. Аллоҳ таоло ҳар бир ишнинг амалга оширилиш фурсатини белгилаб беради ҳамда мақсадларга олиб борадиган йўллар ва эҳтиёжларга эриштирадиган сабабларни пайдо қилади. Инсонларнинг бу ҳаётдаги энг асосий мақсадларидан бири яшаш ва турмуш шароитларини яхшилашдир, унга эришишнинг асосий воситаси эса соғлом ақлдир. Ақл саломатлигининг асосий белгиси иш-фаолиятдаги фаросатлилик ва уни амалга оширишдаги қатъийликдир [7:93].

Ақлнинг одоб-ахлоқни ўзига қабул қилувчи хусусият ва туғма сифатлари мавжуд бўлиб, айнан адаб ақлларни юксалтирувчи, ривожлантирувчи асосий воситалардан биридир. Ерга экилган уруғ фақатгина сув ёрдамида ўсиб-унади, ер остидан юқорига интилиб, ўз қувватини намоён этади, қуриб қолишдан халос бўлади. Бу орқали уруғ нобуд бўлиш, курғоқчилик азобидан қутулиб, Аллоҳнинг изни билан унга куч-қувват ва ҳаёт бахш этилади. Худди шундай ақлнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам қалбнинг тубида яширин ҳолатда бўлади: ақл учун оби ҳаёт манбаи ҳисобланган адаб уни тарбияламагунча, ақлга куч-қувват, ҳаёт бахш этилмайди ва унда инсон учун ҳеч бир манфаат бўлмайди. Адабнинг улуғворлиги мантиқ билан, мантиқнинг буюклиги эса ўқиб-ўрганиш биландир. Бунда бирор-бир ноаниқлик мавжуд эмас. Адаб дурдоналари ўтган мутафаккирларнинг каломларидан ёки китобларидан олинган. Бу эса шундан далолатки, адаб илми, унинг асослари билан фақатгина донишманд, ҳақим зотлар шуғуллана олганлар [8:22].

Ибн Муқаффа мазкур китобида гўзал ҳикматлар намунасини келтиради. Ушбу ҳикматлар мақсад жиҳатидан хилма-хил бўлиб, фақатгина бир соҳа билан чекланиб қолмаган, барча маълумотлар фақат бир боб ичига келтирилмаган. Мутафаккир “ал-Адаб ас-сағир” асарининг кўплаб ўринларида ақл ва оқиллик ҳамда улар билан боғлиқ бўлган масалаларни тилга олади. Унинг асар муқаддимасидаёқ келтирган қуйидаги фикрлари ҳам буни тасдиқлайди: “...саодатга эришишнинг асосий воситаси соғлом ақлдир. Энг буюк қашшоқлик ақлсизликдир. Ҳеч қандай мол-давлат ақлдан устун эмас. Ақл муваффақиятларни сақлашга кўмакдош, ғурбатда йўлдош, фақирликдан қайтарувчи, бойлик келтирувчи, авом халқни султон ҳузурида аслзода инсонга айлантирувчи, дўстликни пайдо қилиб, адоватни рад этувчи бебаҳо хазинадир. Оқилнинг бойлиги унинг ақл-заковатидир” [6:73].

Ибн Муқаффа фикрича, оқил инсон унга азоб берувчи ва уни хурсанд қилувчи барча жиҳатларга ўз эътиборини қаратиб, қувонч ва кўркувни жой-жойига қўяди, ўз нафсига қарши доимий тарзда курашиб, уни сарҳисоб қилади. Дин, тафаккур, ахлоқ ва адаб борасидаги камчиликларини ислоҳ қилган ҳолда, инсонларнинг эзгу фазилятларини ўзига

сингдиради, у фақатгина фазилят соҳиблари билан дўст-қариндош тутинади, бу дунёда йўқотганларидан эса афсусланмайди.

Ибн Муқаффа таълимотига кўра, оқил инсон кундалик фаолиятини тўртга ажратиши керак:

1. Яратгандан ўз эҳтиёжлари учун ёлвориш;
2. Ўз-ўзини, виждонини сарҳисоб қиладиган соат;
3. Унга ҳамиша тўғри сўзлайдиган ва ҳар бир ишида насиҳатини аямайдиган дўсту биродарларига ажратиладиган соат;
4. Унга ёқадиган ҳалол ва чиройли бўлган нарсалардан завқланиш учун ажратиладиган соат [7:104].

“Ал-Адаб ас-сағир” асарида султон ва волий фаолиятига тааллуқли бўлган масалалар ҳам ёритилган бўлиб, Ибн Муқаффа ушбу масалани ўзи чиндан эътикод қилган ҳикматлар асосида ифодалашга ҳаракат қилган. Аллома нуқтаи назарига кўра, ҳукмдорлар қароргоҳи турли тоифа инсонлар унга қараб интиладиган макондир: солих инсонлар у ерга меҳмон сифатида ташриф буюрадилар, ёмон инсонлар босқинчилик қилиш мақсадида борсалар, адаб соҳиби эса илм истаб боради. Султон вазирлар ва мулозимларсиз ўз сиёсатини амалга ошира олмагани каби вазирлар ҳам насиҳат ва меҳр-муҳаббатсиз ўз ҳукмдорига манфаат келтира олмайди. Меҳр-муҳаббат эса фақатгина тафаккур ва ахлоқий поклик воситасида фойда келтириши мумкин.

Қатъиятли ҳукмдор доно вазирларнинг кўмаги билан янада қудратлироқ бўлади. Маслаҳат сўровчи эса маслаҳатгўйнинг фикри орқали бахт-саодатга эришади. Шухратпараст ҳукмдор бўлса, ўз салтанатининг мустаҳкамлиги борасида қайғурмайди. Энг хурматга лойик инсон куч ва мулойимликни ўз ўрнида қўллай биладиган ҳукмдордир. Ҳокимият улкан бало ва офатларнинг сабабчисидир. Шу нуқтаи назардан волий мулозимларни тўғри танлаши, тинимсиз ўз фаолиятини ислоҳ қилиши керак. Фазилят соҳиби бўлган инсон энг аввало таълим-тарбияни ўзидан бошлаши, ҳаётий фаолияти ва хоҳиш-истакларини ислоҳ қилиши керак. Ҳукмдорлар эса ўз аъёнларининг фаолиятини доимий тарзда назорат қилиши лозим [1:32].

Ибн Муқаффа ўз китобини дин ва тақводорлик билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ҳикматлар билан бойитган ҳолда

ёзади. У динни улуғлайди, дин Аллоҳ таоло томонидан ўз халқига ато этилган энг буюк неъмат, энг бебаҳо манфаат эканлигига ишонч билдиради. Аллома дин ва тафаккурнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилади. Тақво ҳақида батафсил тўхталиб, ақл тақвосиз, гўзаллик эса ҳаловатсиз инсонга манфаат келтира олмайди деган қимматли хулоса келтиради. Ақл, тақво ва тавфиқнинг моҳияти, уларнинг самараси борасида сўз юритади [2: 212].

Ибн Муқаффа ушбу китобида тасдиқлашича, ёрдамчилар ва дўстлар фақатгина мол-давлат орқали пайдо бўлади, олийжаноблик ва мурувват ҳам бойлик орқали намоён бўлади. Ўз фикрини давом эттирар экан, аллома камбағаллик инсонда жамиятга нисбатан нафрат ва зарар келтиришга бўлган истакнинг кучайишига, ақл, ҳаё ва хурсандчиликнинг йўқотилишига сабаб бўлишини ишончли далиллар билан тушунтиради. Унинг таъкидлашича, бойларда мадҳ этиладиган хатти-ҳаракатлар камбағалларда айб сифатида эътироф этилади [3: 307].

Ибн Муқаффа “ал-Адаб ас-сағир” асарида илм ва адаб тушунчаларига жуда катта ўрин ажратган. Мутафаккир илм ва адаб фазли тўғрисида батафсил мулоҳаза юритади. Унинг дунёқараши бўйича, дин-у диёнатга номутаносиб бўлган илм инсон учун ҳалокатлидир, Аллоҳ ризолигига асосланмаган ва яхшиларнинг манфаатларига хизмат қилмайдиган адаб эса инсонни дўзахга яқинлаштиради. У инсоннинг адабга бўлган эҳтиёжи, ижтиҳод ва тафаккур, тавфиқ ва бошқа тушунчалар борасида сўз юритар экан, ушбу тушунчаларни ўзаро жуфт тушунчалар сифатида эътироф этади.

ХУЛОСА

Абдуллоҳ ибн Муқаффанинг “ал-Адаб ас-сағир” асарини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, Ибн Муқаффа “ал-Адаб ас-сағир” асарида хилма-хил ҳикмат намуналарини бирлаштириб, уларга ишончли иқтибослар келтирган. Асарда шуҳратпарастлик, бахиллик, шубҳа, нафрат, такаббурлик ва беҳуда рақобат каби салбий ахлоқий иллатлар қораланган. У инсон ҳақ ва ёлғон ўртасидаги оралик масофани яхши билиши, самимий ва шукр қилувчи, саховат ва хайр аҳлидан бўлиши, раҳмдил,

хушмуомала, тилига эҳтиёткор, тавозеъли, бировга ҳасад қилмайдиган, халқни ўз хайрли ишлари билан хурсанд қиладиган, эҳтиёткор бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Иккинчидан, асарда аллома томонидан эзгуликнинг энг гўзал кўрсаткичлари, гуноҳларнинг асоси, разилликнинг аломатлари тўғрисида фикр билдириб, инсон ўз аҳл-у авлоди ва дўст-биродарларига нисбатан хусуматда бўлишдан ўзини қайтариши зарурияти келтирилади.

Учинчидан, асарда ҳинд халқ достони “Калила ва Димна” китобида келтирилган кўплаб ҳикматларни ҳам учратиш мумкин. Унда рухий, сиёсий, диний масалалар ёритилган. Шу билан бир қаторда китобда дўстлик, оқил инсон амал қилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар тўғрисида ҳам мулоҳаза ва тақлифлар берилган.

Тўртинчидан, китобдаги волий ва ҳукмдор масалаларига тааллуқли бўлган ҳикматларда форс маданиятининг таъсири яққол кўзга ташланиб туради. Солиҳ ва савоб амалларни имкон қадар кўпроқ адо этиш, охиратни тарғиб қилиш, ахлоқий фазилатлар билан зийнатланиш каби масалаларда эса мусулмон маданиятининг кучли таъсирини яққол ҳис қилиш мумкин.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Browne Edward A Literary History of Persia. From the Earliest Times until Firdawsi. – London: T. Fisher Unwin Ltd, 1919. – 548 p.
2. Dimitri Gutas. Greek thought, arabic culture. The graeco-arabic translation in Baghdad and early Abbasid society. London: Routledge, 1998. – P. 212.
3. Dominique Sourdel. La biographie d'Ibn al-Muqaffa' d'après les sources anciennes. Arabica T.1. Fasc. 3.1954. – pp. 307-323.
4. Gabrieli F. *L'opera di Ibn al-Muqaffa*. Rivista degli studi orientali. 1931. Vol. 13. – pp. 197-247.
5. Ismail Durmuş. Ibnü'l-Mukaffa'. TDV İslâm Ansiklopedisi. – Istanbul: Türkiye. Diyanet Vakfı, 2000. C. 21. – ss. 130-34.
6. Аббос Иқбол Аштиёний. Шарҳе ҳоле Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа. – Техрон: Эрон Миллий кутубхонаси, 1927. – 122 б.
7. Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа. Ал-Адаб ал-кабир ва ал-адаб ас-сағир. Таржимон: Муҳаммад Ваҳид Гуллаегоний. – Техрон: 1956. – 137 б.
8. Абдушукуров А. Таърихи адабиёти араб. – Душанбе: «Деваштич», 2008. – 192 б.
9. Зоҳидов Н. Адабиёти арабизабони форсу тоҷик аз истилои араб то аҳди Сомониён. – Хучанд: Раҳим Ҷалил, 1999. – 146 б.